ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 135 (9.785) 2002 йил 15 ноябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

XXI аср садоси
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

БОЗОРНИ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ БИЛАН ТЎЛДИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Юқори сифатли, рақобатбардошли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ва уларнинг ассортиментини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан юқори даражада тўлдириш, шунингдек республиканинг ишлаб чиқарувчи корхоналари билан савдо ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2003 йил 1 январдан 2007 йил 31 декабргача:

истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солиғини амалдаги ставкадан 20 фоизга камайтирилган ставка бўйича тўлайдилар:

болалар учун товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар болалар учун товарлар ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан даромад (фойда) солиғини 7 фоизли ставка бўйича тўлайдилар. Болалар учун товарлар гуруҳига кирувчи товарларни аниқлашда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 июлдаги 327-ф-сон фармойишига ва Статистика давлат департаменти томонидан тасдиқланган саноат маҳсулоти номенклатурасига 1997 йил 17 июлдаги 8-1/3-8-сон Тушунтиришга амал қилинсин:

микрофирмалар ва кичик корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан ягона солиқни амалдаги ставкадан 25 фоизга камайтирилган ставка бўйича тўлайдилар:

ишлаб чиқариш корхоналарининг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш физик ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига олинган даромадлари (фойдаси) даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлашдан озод қилинади:

ноозиқ-овқат истеъмол товарлари (тамаки маҳсулотлари ва заргарлик буюмларидан ташқари ишлаб чиқарувчи корхоналар, бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг ассортиментини кенгайтиришга ва рақобатбардошлилигини оширишга мақсадли йўналтирилган тақдирда, бюджетга акциз солиғи тўлашдан озод қилинадилар;

истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга амортизация ажратмаларининг йиллик ҳисобдан чиқариш миқдорларини асосий воситалар хизматининг фойдали муддатидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилаш ҳуқуқи берилади. Бунда солиққа тортиш мақсадидаги амортизация ажратмаларининг йиллик миқдори Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган нормалардан ошмаслиги керак.

Корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган истеъмол товарлари рекламасига харажатлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқишда солиққа тортиладиган базадан тўлиқ ҳажмда чиқариб ташланади.

2. Белгилансинки, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган (истеъмол товарлари ҳажми ишлаб чиқариладиган товарлар умумий ҳажмида камида 60 фоизни ташкил қиладиган) корхоналар 2003-2005 йилларда:

истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар импорти бўйича божхонада расмийлаштиришдан кейин 60 кундан кечиктирмай, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун эса 90 кундан кечиктирмай божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) тўлайдилар. Бунда улуш қўшиш асосида (толлинг бўйича) истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун келтириладиган хом ашё божхона тўловларидан озод қилинади, божхонада расмийлаштириш учун йиғимлар бундан мустасно;

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Пойтахтимиздаги «Туфин» қўшма корхонаси маҳсулотларининг харидорлари ортиб бормоқда.

СУРАТЛАРДА: корхона илғорлари Дилобар Маметниёзова, Гулруҳ Шавкатова ва Зухра Хоназарова; корхона цехларидан бири.

Сергей Любчич олган суратлар

ҚИСҚА сатрларда

❐ **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясига қарашли замонавий информацион технологиялар техник марказида офтальмолог шифокорлар иштирокида бўлиб ўтган анжуманда кўз касалликларини даволашга ёрдам берувчи янги тиббий технологиялар яратилганлиги маълум қилинди.

❐ **БОЗОР** кўникмаларини ривожлантириш марказида иқтисодчилар, тадбиркорлар иштирокида ўтказилган йиғилиш мамлакатимиздаги иқтисодий ночор корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига бағишланди.

❐ **«ТОШКЕНТ** шаҳар газ таъминоти» шўъба корхонасида ходимлар иштирокида ўтказилган йиғилишда шаҳримиздаги ҳар бир оила 2005 йилгача газ ўлчагич билан тўлиқ таъминланиши шарт эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Мамлакатимизда

● Шу йилнинг 12 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлаши муносабати билан сессияга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва уни муваффақиятли ўтказиш бўйича тузилган депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

● Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмитаси билан ҳамкорликда «Банкротлик тўғрисидаги Қонун: ривожланиш, тажриба ва муаммолар» мавзуида давра суҳбати ўтказдилар. Унда «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрирдаги) лойиҳаси муҳокама қилинди.

● Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг бўлиб ўтган йиғилишида Ер кодексининг Жиззах вилоятидаги ижроси муҳокама қилинди.

● Бекободда Қора ва рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлди.

● Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигида БМТ Тараққиёт лойиҳаси «Тараққиёт йўлида ҳамкорлик» дастури томонидан ташкил этилган ва инсон тараққиёти муаммоларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **Кеча** пойтахтимизда сил касаллигининг олдини олиш ва назорат қилиш масалаларига бағишлаб ўтказилган халқаро симпозиум ўз ишини якунлади.

● **Кеча** Киночилар уйининг катта залида Ўрта Осиёда корейс киноси фестивалининг очилиш маросими бўлди.

● **Бугун** мамлакатимиз ва унинг пойтахти Тошкент шаҳрида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» бошланди.

● **Бугун** мамлакатимиз пойтахтида ҳаво ўзгариб турди, ғарбдан сониясига 3-8 метр тезликда шамол эсди. Кундузи ҳаво ҳарорати 9-11 даража илиқ бўлди.

Жаҳонда

● Ироқ Ташқи ишлар вазири Наджи Сабрининг БМТ Бош котибига йўллаган мактубини Бағдоднинг БМТдаги вакили Муҳаммад ал-Дури Кофи Аннанга топширди. Мактубда Бағдод мазкур ташкилотнинг 1441-резолюциясини қабул қилганлиги ва ҳеч қандай шартларсиз халқаро инспекторларни мамлакатга киритишга тайёрлиги ҳақида айтилади.

● **Кеча** Пекинда Хитой Компартиясининг XVI қурултойи якунланди. Қурултойда Марказий қўмитанинг 198 аъзоси ва 158 аъзоликка номзоди сайланди. Цзянь Цзэмин бошчилигидаги ҳукумат истеъфога чиқди. Унинг ўрнига эса мамлакат раҳбарлигига унинг ўринбосари Ху Цзиньтао сайланди.

● Токиода терроризмга қарши кураш масалалари бўйича Россия — Япония музокаралари бўлиб ўтди.

● БМТ Бош котиби Кофи Аннан Нигерия ва Камерун давлатлари ўртасидаги ҳудудий баҳсларни ҳал этиш бўйича музокараларда қатнашишга қарор қилди.

● Исроил ҳаво кучлари Ғазо шаҳрининг марказий қисмига ўзларининг навбатдаги ҳужумларини амалга оширганлар. Ҳужум вақтида ўстахона, савдо дўконларига жиддий зарар етган.

● Непалда ҳарбийлар қирол Гьянендранинг асосий консультатив органи — Давлат кенгашининг раҳбари Кешар Жунга Райамажи қароргоҳи биносига бомба отган кишини отиб ўлдиришган. Тахминларга кўра, у Мао исёнчиларига дахлдор бўлиши мумкин.

● Латвиянинг Гибралтар томон ҳаракатланган Грециянинг «Пресстиж» кемаси Испания қирғоқларида ҳалокатга учради.

● Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай портидан Эроннинг Абадан портига йўл олган Эроннинг 85 тонналик «Нажум» дея номланган юк кемаси Форс кўрфазининг шимолий сувликларида чўкиб кетди. Кемада радио асбоб-ускуналари ва озиқ-овқат маҳсулотлари бор эди.

ФУТБОЛ

ЎТГАН КУНИ

«Пахтакор» марказий стадионида Осиё чемпионлари лигаси мусобақаларида муваффақиятли иштирок этаётган пойтахтнинг бош жамоаси Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-аҳли» клуби футболчилари билан куч синашди.

«Пахтакор»нинг ғалабаси

Муросасиз, шиддатли ҳужумларга бой тарзда ўтган учрашув 3:2 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан якунланди. Дарвозаларга тўпларни Анвар Солиев, Гочқули Гочқулиев, Зайниддин Тожиев («Пахтакор») ҳамда Али Каримий, Али Иброҳим («Ал-аҳли»)лар киритишди.

Шунингдек, Теҳронда минтақамизнинг кучли жамоаларидан бири «Истиқлол» мехмони бўлган «Нефтчи» жамоаси рақибларидан 1:0 ҳисобида мағлубиятга учради.

Осиё чемпионлар лигаси мусобақаларининг такрорий беллашувлари 27 ноябрда бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ОБУНА — 2003

Ғолибларни совғалар кутмоқда!

Маълумки, шу кунларда пойтахтимиздаги барча почта бўлимларида даврий нашрларга — газета ва журналларга келгуси йил учун обуна давом этмоқда. «Тошкент почтамти» акциядорлик жамияти ходимларининг сўзларига қараганда, ҳамшаҳарларимиз севиб ўқийдиган «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига ҳам обуна қизғин давом этмоқда.

Дарҳақиқат обуна мавсумини уюштиришда почта бўлимлари ходимларининг ҳам ўзига хос ва муносиб ўринлари бор. Чунки худди шу соҳа хизматчиларига обуначилар даврий нашрларга обуналарни расмийлаштириш масаласида мурожаат этишади. Чиндан ҳам квитанцияларни бехато тўлдириш, қайси нашрга обуна бўлиш хусусида ўз маслаҳатларини беришда бу соҳа хизматчиларининг ўрни салмоқлидир. Биноборин, алоқа бўлимларида «Оқшом» газеталарига ёзилинг, чунки бу газеталар ўз шаҳарларини севадиган кишиларнинг нашридир» деган сўзлар ҳам тез-тез қулоққа чалинади. Шундай қилиб, «Оқшом» таҳририятлари почта бўлимларининг ходимлари учун махсус танловни эълон қилишга қарор қилди. Демак, пойтахтнинг «Оқшом» газеталарига обуна мавсуми кезларида қайси почта бўлими кўп миқдорда обуна ташкил этса унга қимматбаҳо совғалар насиб этади.

Янги 2003 йилда «Оқшом» билан бирга бўлинг!

2003 йилга «Тошкент оқшоми»га обуна нархи

3 ойга		6 ойга		йиллик	
абонент қутисига	манзилга	абонент қутисига	манзилга	абонент қутисига	манзилга
якка тартибдаги обуначилар учун нашр кўрсаткичи — 209					
5595	6246	11190	12492	22380	24984
ташкилотлар учун нашр кўрсаткичи — 563					
5919	7221	11838	14442	23676	28884

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
Қарори

БОЗОРНИ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ БИЛАН ТЎЛДИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

ер солиғини белгиланган тартибда амалдаги ставкалар бўйича, лекин тегишли шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг ўрта зонаси учун белгиланган ставкадан ортиқ бўлмаган ставкалар бўйича тўлайдилар;

мулк солиғини истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун кредитлар ҳисобига, кредитни қоплаш муддатида, лекин 7 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда сотиб олинган асбоб-ускуналар қийматига камайтирилган солиққа тортиладиган базадан келиб чиққан ҳолда тўлайдилар;

валюта тушумини истеъмол товарларини экспорт қилишдан олинган, ўз ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун импорт қилинган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар қийматига камайтирилган миқдорда мажбурий равишда сотадилар.

3. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорнинг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар корхоналар томонидан фақат ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг ассортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошлилигини ошириш билан боғлиқ тадбирларга йўналтирилади.

Солиққа тортишдан бўшаган маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланилган ҳолларда ушбу маблағлар, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарима жазоларини ҳисобга олган ҳолда, тўлиқ ҳажмда бюджетга ўтказилади.

4. Истеъмол товарларининг йирик ишлаб чиқарувчиларига:

ўз маҳсулотларини расмий дистрибьютерлар орқали улгуржи сотиш тизимини яратиш;

республика минтақаларида, шу жумладан буюм бозорларида фирма улгуржи-чакана савдо дўконлари шохобчаларини ривожлантириш тавсия қилинсин.

5. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи, давлат бюджетидан ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларидан қарзи бўлмаган корхоналарга ишлаб чиқараётган товарларнинг ўз расмий дистрибьютерларига ва улгуржи савдо корхоналарига 90 кундан ортиқ бўлмаган муддат билан консигнация шартномалари бўйича, шунингдек воситачилик шартномалари ва топшириқномалар бўйича сотишга рухсат берилсин.

6. Тижорат банкларига халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни барпо этиш ва ишлаётганларини кенгайтириш учун белгиланган тартибда миллий ва хорижий валютада кредитлар бериш тавсия қилинсин.

7. Сут, жун, қорамол ва майда моллар териси, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда молларни гўштга сўйиш билан шуғулланувчи корхоналарга мазкур қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бевосита ишлаб чиқарувчилардан — аҳолидан деҳқон ва фермер хўжаликларидан нақд пул билан ҳисоб-китоб қилган ҳолда ўз эҳтиёжлари учун тайёрлаш ҳуқуқи берилсин.

Бунда қайта ишлаш корхоналари раҳбарларининг сут, тирик мол, жун, тери, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари харид қилиш учун банкдан олинган нақд пуллардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан шахсан жавоб беришлари белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Сут, тирик мол, жун, қорамол ва майда моллар териси, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари харид қилиш учун тижорат банклари томонидан қайта ишлаш корхоналарига нақд пул бериш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин. Жойларда қайта ишлаш корхоналари томонидан кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пуллардан мақсадли фойдаланилишини белгиланган тартибда текширишни назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда;

амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва М.Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 13 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Бош қомус ва фуқаролик жамияти

8 декабрь — Конституция қабул қилинган кун мустақил Ўзбекистон тарихида муҳим аҳамиятга молик воқеа. Мамлакатимиз халқи бу қутлуғ байрамни ўнинчи марта нишонлаш арафасида. Зотан, муқаддас заминимизда яшовчи ҳар бир инсон Бош Қомусимизнинг ҳаётбахш таъсирини теран ҳис этган ҳолда унга асос қилиб олинган инсонпарварлик, адолат, эркинлик ва тенг ҳуқуқлилик ғоялари кундалик турмушимизда рўёбга чиқаётганига гувоҳ бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Бош Қонунимизда инсон ҳуқуқлари, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат ўзининг кенг ифодасини топиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси Бош Қомусимизнинг 10 йиллигига бағишлаб «Конституция ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари» мавзуида ўтказган илмий-амалий анжуманда шу ҳақда гап борди.

Академия бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор У. Тожихонов бошқарган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Ш. Ўразаев, Олий суд раисининг ўринбосари Б. Жамолов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова, Тошкент давлат юридик институти ректори М. Рустамбоев, Конституциявий суд судьяси У. Бозоров, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси Т. Мирзаев ва бошқалар маъруза қилди.

Таъкидланганидек, Конституциянинг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдаги тарихий аҳамияти ва фуқаролик жамиятини ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан шакллантиришдаги ўрни беқиёсдир. Унинг ижобий таъсири мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг демократлашувида, давлат ҳокимиятининг ташкил этилишида, иқтисодий соҳанинг эркинлаштирилишида, жамиятнинг маънавий янгиланишида, ўзбек халқининг мутлақо янгича типдаги ҳуқуқий онги, ҳулқ-атвори шаклланаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланмоқда. Мамлакатимизда кўппартиявийлик шаклланди, жамоат бирлашмаларининг тутган ўрни тобора ортиб бормоқда. Конституция ўзбек давлатчилигининг тарихий ривожланиш тажрибасига, халқимизнинг урф-одатлари, маданияти ва анъаналарига таяниши тараққиётимизнинг муҳим омили бўлаётир.

Анжуманда Конституциянинг кўп қиррали моҳиятини очиш ва ҳаётимиздаги амалий ўрнини янада теранроқ англаш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

ЎзА.

ТАНЛОВЛАР

Номзодлар сараланди

Президентимизнинг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони инсониятнинг гули бўлган аёллар, қизларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир янги намунаси бўлди. Ушбу Фармон қабул қилингандан буён республикамизда ўткир зеҳнли, иқтидорли ва истеъдодли қизлар талай эканлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Бу йил ҳам севимли шоирамиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига тўртинчи бор номзодлар аниқланди. Куни кеча Мирзо Улуғбек туманидаги В.Успенский номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатида ушбу мукофотга номзодларни танлаш бўйича «Зулфияхоним қизлари» танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Танловда иштирок этган 37 та иқтидорли, ҳар томонлама билимли, гўзал хулқли, зукко ва доно қизлар ичидан энг саралари танлаб олинди. Ёш истеъдод эгалари танловнинг 5 та йўналиши, яъни адабиёт, санъат, маданият, фан ва таълим соҳалари бўйича ўз санъатлари, истеъдодларининг гўзал қирраларини намойиш этдилар.

Қалблари бир олам қувонч ва ҳаяжонга тўлган танлов иштирокчилари ижросидаги гўзал ва мафтункор куй ва қўшиқлар, жозибали рақслар, шеърлар, қизларнинг нақадар катта истеъдодга эга эканликларини намоён этди. Шунингдек умидли ёш шоиралар-нинг шеърий тўпламлари, ёш мўйқалам усталарининг нафис санъат асарлари, чеварлик, зардўзлик намуналаридан ташкил топган кўргазмалар ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан холисона ва муносиб баҳоланди.

Танлов сўнгида 5 та йўналиш бўйича ғолибалар аниқланди. Адабиёт йўналиши бўйича — Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб ўқувчиси Камола Убаева, санъат йўналиши бўйича — В.Успенский номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаби ўқувчиси Элеонора Котлибулатова, маданият йўналиши бўйича — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг 1-курс талабаси Малика Раҳмонбердиева, фан йўналиши бўйича — Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг магистранти Ноила Усмонова, таълим бўйича — Тошкент Давлат юридик институти IV курс талабаси Муҳтабар Ҳусановалар Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод деб топилдилар.

Танловда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова сўзга чиқиб, барча танлов иштирокчиларини ва ғолибаларни муборакбод этди ҳамда уларга Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаларини топширди.

Зулфияхоним сафдошлари бўлган ўткир зеҳнли, иқтидорли қизларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Буни ҳайъат аъзоларининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.

● Хотима ШАЙХОВА, фалсафа фанлари доктори, профессор:

— Мана тўрт йилдирки севимли шоирамиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар сафи ортиб бормоқда. Ушбу танловда иштирок этаётган қизлар нафақат билим савиялари, балки санъат, маданият ва бошқа соҳаларда фаолият доираларини намоён этишди. Фақат ўқиш билан чекланмай илм-фаннинг турли тармоқлари билан шуғулланаётган истеъдодли ёшлар кўпаймоқда. Ўйлайманки, олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларда иқтидорли ёшлар гуруҳини ташкил қилиш, мана шундай иқтидорли қизлар билан доимий иш олиб бориш лозим.

● Санобар ШОДИЕВА, Республика болалар ижодиёти маркази раҳбари:

— Бугунги танловда иштирок этган қизларнинг кўплаб соҳаларда нақадар билим ва маҳоратлари юксаклигини кўриб бениҳоя қувондим. Уларга ҳеч иккиланмай юқори баҳо қўйса бўлади. Чунки танлов иштирокчилари ҳамма соҳада бир-биридан кучли. Шунинг учун улар орасидан номзодларни аниқлаш осон бўлмади. Бир-биридан гўзал, оқилаю доно ўзбек қизларимизнинг маънавияти юксак, келажаклари порлоқ бўлишини тилайман. Уларга омад ва бахт ёр бўлсин.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Зулфияхоним қизлари» танловининг шаҳар босқичидан лавҳалар.

Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

Душанба 18

5.30 «Рамазон туҳфаси».
5.50 «Бахмал». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45,17.55 ТВ - маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ўзбекистон темир йўллари».
9.10 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.45 «Тўртинчи ҳокимият».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Одам амфибия». Бадиий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.05 «Сиҳат-саломатлик».
«Болалар сайёраси»:
12.25 1. «Санъат гунчалари».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.25 «Ошин». Телесериал.
13.55, 16.10 ТВ анонс.
14.10 «Сиёсат оламида».
14.30 «Жонга ва Вустер». Телесериал.
16.15 «Тановар» ансамбли ижросида «Улуғбек буржи» рақс спектакли.
16.55 «Рамазон туҳфаси».
17.15 «Калб гавҳари».
17.35 «КиноТеатр».
18.10 Эстрада тароналари.
18.30 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.30 «Стандарт ва сифат».
21.45 «Рамазон туҳфаси».
22.05 2002 йил - Қариялари қадрлаш йили. «Париси бор уй».
22.25 «Олам футболи».
22.45 «Темур гори». Видеофильм. 5-қисм.
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «Имкон» телеўйини.
10.35 Футбол плюс.
10.55 ТВ-анонс.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 Мусиқий лаҳзалар.
11.40 «Кондорлар». Ҳужжатли фильм.
12.30 Давр-news.
12.45 Болалар экрани: «Финистсарлочин».
14.00 Олов билан юзма-юз.
14.15 Кўҳна оҳанглар.
14.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
15.15 Спорт кафтаномаси.
15.30 «Ҳаёт учун хавфли». Бадиий фильм.
16.55 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан. «Озод элим - ойдин йўлим» кўрик танлови: Фарғона вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» почтаси.
17.50 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал премьераси. 1-қисм.
18.00 ТВ-анонс.
18.05 Қўли гул уста.
18.25 Тафаккур ёлқинлари.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 Кўҳна оҳанглар.
19.45 Ёшлар овози.
20.05 Кишлоқдаги тенгдошим.
20.25 Муҳаббат қўшиқлари.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
21.25 Жараён.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳраси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида:
23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 15-қисм.
17.45, 19.05, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Спорт ва болалар».
19.25 «Avto-news».
19.40. «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Ўз уйингни, ўзинг асра ва ҳимоя қил».
22.45 Кинонигоҳ «Бахтли қодиса».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 17.15-17.45

17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.05 «Евроньюс» янгиликлари.
18.20 «Ҳазил кетидан ҳазил».
19.00 «Серкирра Рязанов». Э. Рязановнинг юбилей концерти.
21.00 «Время».
21.40 «Бизнес-ревю».
21.45 Кинематограф. «Ой нури» агентлиги». Бадиий фильм.
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

16.55 гача профилактика ишлари.

16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Шоу соати.
17.40, 20.45 «Телеҳамкор».
18.00 «30-канал» кинооқшоми. «Ахмоқ бўлма».
19.30 «Ошиқона» мусиқий дастури.
19.45 «Бригада». Сериал.
21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Кичик Токиодаги тортишув».
23.15 «30-канал»да спорт.

Профилактика до 13.30.

13.30 Фильм. «Человек ниоткуда»
15.00, 18.00 Новости
15.15 «Фабрика звезд»
15.45 «Ералаш»
15.55 «Животные - нарушители». Остросюжетный фильм
17.00 «Большая стирка»
18.20 «Шутка за шуткой».
19.00 «Необъятный Рязанов. Юбилей»
21.00 Время
21.40 Многосерийный фильм «Ледниковый период».
22.45 Независимое расследование
23.30 «Фабрика звезд»
24.00 «Другое время».
00.40 «На футболе»
1.10 «Апология»

4.45 - 7.45 «Доброе утро, Россия!».
7.45 Комедия «Клуб первых жен».
9.45, 15.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 ВЕСТИ.
10.20 Ток-шоу «Цена успеха».
11.15 «Вера, надежда, любовь».
12.15 «Экспертиза».
12.30 «Двести лет на службе Отечеству». Док.фильм.
13.20 «Что хочет женщина».
14.20 Телефильм «К расследованию приступить».
16.20 «Стань звездой».
17.20, 19.35 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
17.50 Антонина Венедиктова, Лидия Вележева, Ирина Томская и Николай Добрынин в сериале «Воровка. Счастье напрокат».
18.50 Спокойной ночи, малыши!
19.55 Телесериал «Нина. Расплата за любовь».
21.00 Телесериал «Марш Турецкого-3».
22.00 Ток-шоу «Вести +».
22.35 «Культурная революция».
23.40 «Синемания».
00.10 «Дорожный патруль».

8.30 «Победоносный голос верующего».
9.00 Мультсериал «Ураганчики».
9.30 Мультсериал «Мумми возвращаются».
10.00 Х/ф «МУЖЧИНА КАК ЖЕНЩИНА».
12.00 Х/ф «ВА-БАНК».
14.30, 20.00 Телесериал «НА КРАЮ ЗЕМЛИ».
15.30 Х/ф «УБИЙСТВЕННЫЙ ВЕЧЕР».
17.30 Х/ф «АППЕТИТ».
19.30 Телесериал «МЭДИСОН».
21.00 Х/ф «БЕС В РЕБРО».
22.30 Х/ф «ТОНКА».
00.50 Если хочешь быть здоров.
1.00 Дебаты о политике и культуре.
1.30 Х/ф «АНГЕЛ-ХРАНИТЕЛЬ».

6.05 - 8.40 УТРО на НТВ
8.45 Сериал «КЛАН СОПРАНО». 1 серия /США/
10.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
10.25 «НАМЕДНИ»
12.00,14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»
12.05 Фильм. «ЧУЖИЕ ПИСЬМА»
14.05 «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД»
14.40 Детектив «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
15.45 «ПРИНЦИП ДОМИНО»
17.05 Боевик «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ».
18.20 «ВНИМАНИЕ. РОЗЫСК!».
19.35, 23.15 Новый детектив «КРОТ-2»
20.45 Сериал «НА УГЛУ, У ПАТРИАРШИХ - 2»
22.00 «СЕГОДНЯ ВЕЧЕРОМ»
22.35 Сериал «ТРЕТИЙ ЛИШНИЙ»
00.25 ГОРДОН

8.00 Сериал «ЛЕТО НАШЕЙ ТАЙНЫ».
8.50, 14.05 Мультсериал «Шехерезада».
9.15 Мультсериал «Черепашки-ниндзя».
9.40, 14.30 Сериал для подростков «ДИКАЯ КЭТ».
10.05, 20.30 «Удивительные животные-3».
10.30 «Черная» комедия «НЕПРИДУМАННЫЕ ИСТОРИИ».
11.00 Детективный сериал «МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ. КЕЛЬН».
10.30, 16.45, 5.20 Шоу «О, Счастливчик!»
13.10 Сериал «НА КРАЮ ВСЕЛЕННОЙ-2».
15.00 ТВ-клуб.
15.30, 4.30 Сериал «ЛУС-МАРИЯ».
16.30, 1.45 «Наши песни».
17.30, 21.30, 2.45 «Окна».
18.30 Драма. «АКТЫ СПРАВЕДЛИВОСТИ».
21.00 «Всегда готовь!»
22.30, 3.35 Ток-шоу «Продолжение следует...»
23.30 «Большое кино». «РЫЖАЯ СОНЯ».
2.00 Развлекательное шоу «Империя страсти».

8.00 Канал «Настроение».
11.05 «ЗАГАДОЧНАЯ ЖЕНЩИНА». Телесериал.
12.00 Сыщики века.
12.30, 18.30 Мультфильм.
12.40 Телемагазин.
13.00, 16.00, 20.00, 24.00, 2.10 События.
13.15 Телеканал «Дата».
14.15 «Постскриптум».
15.10 Опасная зона.
15.30 Деловая Москва.
16.15 «ИНСПЕКТОР ДЕРРИК». Криминальный телесериал.
17.20 Как добиться успеха.
17.30 «Полевая почта».
18.00 Регионы. прямая речь.
18.30 Ток-шоу «Без правил!»
19.00 «ГОРЕЦ - БЕССМЕРТНЫЙ ВОРОН». Телесериал.
20.15 Детектив-шоу.
21.00 «МОЯ ДОРОГАЯ ИЗАБЕЛЬ». Телесериал.
21.50 Пять минут деловой Москвы.
22.00 Эльдар Рязанов. «ДАЙТЕ ЖАЛОБНУЮ КНИГУ». Комедия.
00.45 Особая папка.
1.20 Времечко.
1.50 Петровка, 38.
2.30 Поэтический театр Р. Виктюка.
2.55 Мир вокруг нас.

8.30 «Шерше ля ФАН».
9.00, 18.35 «Fox Kids» на REN TV. «ЧЕРЕПАШКИ-НИНДЗЯ. НОВАЯ МУТАЦИЯ». Телесериал.
9.30, 18.05 «Fox Kids» на REN TV. «Джим Баттон». Мультсериал.
10.00, 17.35 «Fox Kids» на REN TV. «Человек-паук». Мультсериал.
10.30 «Большие деньги»
11.30, 15.30, 19.30, 23.30 «24». Информационная программа.
11.50 Фильм. «ПРЕДСКАЗАНИЕ»
14.30 «ЯГО, ТЕМНАЯ СТРАСТЬ». Теленовелла.
15.50 «У НАС ВСЕ ДОМА». Комедийный сериал.
16.25 «КОБРА». Телесериал (закл.).
19.05 «Fox Kids» на REN TV. «Мир Бобби». Мультсериал.
19.50 «Семейные страсти». Ток-шоу.
21.55 «Футурама». Мультсерия.
22.20 «NEXT». Телесериал.
24.00 «Кино». «МОНСТР ИЗ БЕЗДНЫ».
2.40 «Нокаут». Новости бокса.

Сешанба 19

5.30 «Рамазон туҳфаси».
5.50 «Умид қалдироғочлари». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Соз сеҳри».
9.20 «Соғлом она - соғлом бола».
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.20 «Ғаройиб бола». Бадиий фильм.
11.45 Мусиқий танаффус.
12.05 Болалар учун. «Фламинго».
12.25 ТВ анонс.
12.30 «Париси бор уй».
12.50 ТВ клип.
13.00 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
14.10 «Куйла, ёшлигим».
14.30 «Жонга ва Вустер». Телесериал.
15.20 «Интерклуб».
15.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
16.55 «Рамазон туҳфаси».
17.15 «Талабалик йилларим».
17.35 Юнон-рум кураши бўйича халқаро турнир.
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Калқон».
18.45 Ўзбекистон халқ артисти. А. Исмоилов.
19.10 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ ва биз».
21.20 Бир жуфт қўшиқ.
21.30 «Қисмат». Видеофильм.
21.45 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.15 «Дунёқараш».
22.35 «Темур гори». Видеофильм. 6-қисм.
22.55 «Ахборот-дайжест».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 1-қисм.
9.45 Мусиқий лаҳзалар.
9.55 ТВ-анонс.
10.00 «Эсмеральда». Телесериал.
10.30 Бизнес-академия.
10.50 Жаҳон жуғрофияси.
11.40 Қўли гул уста.
12.00 Болалар экрани: «Теледумбоқлар».
13.05 Ёшлар овози.
13.25 Интерфутбол.
15.05 Кўҳна оҳанглар.
15.15 Мозийдан келажакка.
15.35 «Ямбуй аҳинаси». Бадиий фильм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
17.30 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 2-қисм.
17.40 ТВ-анонс.
17.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.00 Минг бир маслаҳат.
18.20 Автопатруль.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 Давр.
19.35 Кўҳна оҳанглар
19.50 «Давр»-интервью.
20.05 Марди майдон.
20.25 Ёшлик наволари.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
21.25 Ватан ҳақида қўшиқ.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳраси». Телесериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Нокаут.
23.35 Давр.
23.50 «Ҳакиқат чегараси». Сериал.
00.15-00.20 Хайрли тун!

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23,5 даражали бурчак остида». 16-қисм.
17.45, 19.15, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани: «Баланд тепалик».
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Ҳимоя».
19.35 «Мумтоз наволар».
20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».
21.30 «Туризм ҳақида».
22.45 Кинонигоҳ. «Умрбод сенинкиман».
00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

Биринчи канал 7.30-9.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 17.15-17.45

17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Вести».
18.05 «Евроньюс» янгиликлари.
18.20 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
19.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.55 «Сўнгги қаҳрамон-2».
21.00 «Время».
21.40 «Бизнес-ревю».
21.45 «Кулгу хонаси».
21.55 «ТВ-4да Немис тўлқини».
22.15 «Номаълум сайёра». В. Леонтьев иштирокидаги концерт дастури.
23.30 «Юлдузлар фабрикаси».
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.45 — «Телеҳамкор».
9.30, 14.10 Болалар соати.
10.15 «Пауэр Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар» Сериал.
10.40 «Аёл нигоҳи».
11.10 «Сирларимиз ёзи». Телесериал.
12.00 «Суюкли бўлиш». Комедия.
13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал.
15.00 «Домино принципи».
16.00 «30-канал"да спорт.
16.50 Шоу соати.
18.00 «30-канал» кинооқшоми. «Сан-Тропелик жандарм».
19.30 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.45 «Бригада». Сериал.
21.05 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Истаклярни кондирувчи. Ёвузлик абадий».
23.15 Рестлинг титанлари.

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Новости
9.15, 19.00 «Семейные узы». Сериал
10.15 Независимое расследование
10.50 «Ералаш»
11.05, 15.15, 23.30 «Фабрика звезд»
11.35 Дисней-клуб.
12.15 «Необъятный Рязанов. Юбилей»
14.10 Телеканал «Новый день». «Идолы». Брюс Ли
15.50, 21.40 Многосерийный фильм «Ледниковый период».
17.00 «Большая стирка»
18.20 Смехопанорама
19.55 «Последний герой-2». «Тигры»
21.00 Время
22.45 Тайны века. «Последний полет Валерия Чкалова»
24.00 Ночное «Время»
00.50, 1.55 Телеканал «Новый день». «Гении и злодеи». Фридьоф Нансен
1.20 «Апология»

4.45 - 7.45 «Доброе утро, Россия!».
7.45, 19.55 Телесериал «Нина. Расплата за любовь».
8.50, 21.00 Телесериал «Марш Турецкого-3».
9.45, 15.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 ВЕСТИ.
10.20 Ток-шоу «Цена успеха».
11.15 «Комиссар Рекс». Телесериал (Австрия-Германия).
12.15 «Экспертиза».
12.30 «Колоссальное хозяйство».
12.45, 17.20, 19.35 ВЕСТИ-МОСКВА.
13.20 «Что хочет женщина».
14.20 Телефильм «К расследованию приступить».
16.20 К ЮБИЛЕЮ НАРОДНОГО АРТИСТА. «Михаил Ульянов». Док.фильм.
17.50 Сериал «Воровка. Счастье напрокат».
18.50 Спокойной ночи, малыши!
22.00 Ток-шоу «Вести +».
22.35 ПОСЛЕДНИЙ СЕАНС. «Придурки».
00.20 «И дольше века...». Программа В. Молчанова.
1.00 «Дорожный патруль».

8.30 «Победоносный голос верующего».
9.00 Мультсериал «Ураганчики».
9.30 Мультсериал «Мумми возвращаются».
10.00 Х/ф «БЕС В РЕБРО».
11.30 Х/ф «ТОНКА».
14.20 Ясновидящая госпожа Люба.
14.30, 20.00 Телесериал «НА КРАЮ ЗЕМЛИ».
15.30 Х/ф «МУЖЧИНА КАК ЖЕНЩИНА».
17.30 Х/ф «ДИТЯ УБИЙЦЫ».
19.30 Телесериал «МЭДИСОН».
21.00 Х/ф «ЗОЛОТОЙ ТУМАН».
22.25 Новости авторынка.
22.30 Х/ф «БРАТ ЯКУДЗЫ».
1.00 Если хочешь быть здоров.
1.10 Встреча с ясновидящей сударыней Анной.
1.20 Лилиана. Энергия добра.
1.30 Х/ф «УБИЙСТВЕННЫЙ ВЕЧЕР».

6.05 - 8.40 УТРО на НТВ
8.50 Сериал «КЛАН СОПРАНО»
10.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
10.20 «ВНИМАНИЕ. РОЗЫСК!».
11.00, 12.00,14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»
11.05 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
12.05 Комедия «УЛЬТИМАТУМ»
13.45 КРИМИНАЛ
14.05, 22.35 Романтический сериал «ТРЕТИЙ ЛИШНИЙ»
14.40 Детектив «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО» .
15.45 «ПРИНЦИП ДОМИНО»
17.05, 20.45 Сериал «НА УГЛУ, У ПАТРИАРШИХ - 2»
18.20 Документальная драма «ПРЕСТУПЛЕНИЕ И НАКАЗАНИЕ»
19.35, 23.15 Новый детектив «КРОТ-2».
22.00 «СЕГОДНЯ ВЕЧЕРОМ»
00.25 ГОРДОН

8.00 Сериал «ЛЕТО НАШЕЙ ТАЙНЫ».
8.50, 14.05 Мультсериал «Шехерезада».
9.15 Мультсериал «Черепашки-ниндзя».
9.40, 14.30 Сериал для подростков «ДИКАЯ КЭТ».Закл.
10.05, 20.30 «Удивительные животные-3».
10.30 «Черная» комедия «НЕПРИДУМАННЫЕ ИСТОРИИ».
11.00 Детективный сериал «МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ. КЕЛЬН».
12.30, 16.45, 5.20 Шоу «О, Счастливчик!»
13.10 Сериал «НА КРАЮ ВСЕЛЕННОЙ-2».
15.00 ТВ-клуб.
15.30, 4.30 Сериал «ЛУС-МАРИЯ».
16.30, 1.45 «Наши песни».
17.30, 21.30, 2.45 «Окна».
18.30 Боевик. «РЫЖАЯ СОНЯ».
21.00 Телеигра «Пойми меня».
22.30, 3.35 Ток-шоу «Продолжение следует...»
23.30 «Наше большое кино». «ГАРАЖ».
2.00 Развлекательное шоу «Империя страсти».

8.00 Канал «Настроение».
10.50 Газетный дождь.
11.05 «ЗАГАДОЧНАЯ ЖЕНЩИНА». Телесериал.
12.00 Сыщики века.
12.30 Мультфильм.
12.40 Телемагазин.
13.00, 16.00, 20.00, 24.00, 2.10 События.
13.15 Телеканал «Дата».
14.15 «Момент истины».
15.10, 1.50 Петровка, 38.
15.30 Деловая Москва.
16.15 «ИНСПЕКТОР ДЕРРИК». Криминальный телесериал.
17.20 Как добиться успеха.
17.30 «Полевая почта».
18.00 Регионы. прямая речь.
18.30 Ток-шоу «Без правил!»
19.00 «ГОРЕЦ - БЕССМЕРТНЫЙ ВОРОН». Телесериал.
20.15 Детектив-шоу.
21.00 «МОЯ ДОРОГАЯ ИЗАБЕЛЬ». Телесериал.
21.50 Пять минут деловой Москвы.
22.00 Лицом к городу.
23.05 «Магия». Театральная программа.
00.45 Отдел «Х».
1.20 Времечко.
2.30 Серебряный диск.
2.45 Поздний ужин Леонида Млечина.
3.05 «Синий троллейбус».

8.30 «Шерше ля ФАН».
9.00, 18.35 «Fox Kids» на REN TV. «ЧЕРЕПАШКИ-НИНДЗЯ. НОВАЯ МУТАЦИЯ». Телесериал.
9.30, 18.05 «Fox Kids» на REN TV. «Джим Баттон». Мультсериал.
10.00, 17.35 «Fox Kids» на REN TV. «Человек-паук». Мультсериал.
10.30 «Большие деньги»
11.30, 15.30, 19.30, 23.30 «24». Информационная программа.
11.50 «Кино». «МОНСТР ИЗ БЕЗДНЫ».
14.30 «ЯГО, ТЕМНАЯ СТРАСТЬ». Теленовелла.
15.50 «ВОВОЧКА». Комедийный сериал.
16.20, 22.20 «NEXT». Телесериал.
19.05 «Fox Kids» на REN TV. «Мир Бобби». Мультсериал.
19.50 «Семейные страсти». Ток-шоу.
21.55 «Футурама». Мультсерия.
24.00 «Кино». «ВОСПИТАНИЕ АРИЗОНЫ».
2.30 Футбольный курьер.
3.05 «Кино». «КИДАЛЫ».

Чоршанба 20

5.30 «Рамазон туҳфаси».
5.50 «Сеҳрли камон». Телефильм.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Симфоник мусиқа дунёси».
9.20 «Дунёкараш».
9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алиф-бо сабоқлари.
10.25 «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.
11.35 «Тафсилот».
11.50 Мусиқий танаффус.
12.05 «Бўрининг саргузаштлари». Мультфильм.
12.55, 14.40 ТВ анонс.
13.00 «Остонаси тиллодан».
13.20, 15.05 ТВ клип.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 Юнон-рум кураши бўйича халқаро турнир.
14.45 «Баркамол авлод орзуси».
15.15 «Таянч нуқтаси».
15.35 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» - «Пахтакор».
16.25 «Ягона оилада».
16.55 «Рамазон туҳфаси».
«Болалар сайёраси»:
17.15 1. «Кичкинтоймиз-гижингтойимиз». 2. «Мактублар-кабутарлар».
18.10 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.30 «Умид». Телелотерея.
19.00 Бир жуфт кўшиқ.
19.10 «Мулк».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 Макон кечаси.
21.30 «Қисмат». Видеофильм.
21.45 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.15 «Рамазон туҳфаси».
22.35 «Тарих кўзгуси». 7-қисм.
22.55 Спорт, спорт, спорт».
23.10 «Ахборот -дайжест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.35 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 2-қисм.
9.45 «Давр»-интервью.
10.00 Мусиқий лаҳзалар.
10.10 ТВ-анонс.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.00 «Ўчини сайёра» маърифий дастури.
11.50 Ёшлар овози.
12.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
12.50 «Чекиш-соғлиққа зарар». Телефильм.
13.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
13.50 Саломат бўлинг.
14.10 Кўҳна оҳанглар.
14.20 Автопатруль.
14.40 «Ҳамиша навқирон қалблар». Мусиқий фильм.
14.50 «Нозикойим». Бадиий фильм.
16.15 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 10 йиллиги олдидан. «Озод элим- ойдин йўлим» кўрик танлови. Хоразм вилояти телерадиокомпанияси тақдим этади.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 Ўйна, болажон, ўйна.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Ок кабутар».
17.25 «Кўк рангли сичқонча ва мушук». Мультсериал. 3-қисм.
17.35 ТВ-анонс.
17.40 Болажон.
17.55 Ёш тадбиркор.
18.10 Чемпион сирлари.
18.30 Каталог.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Кўҳна оҳанглар.
19.45 Очил дастурхон.
20.00 Спортлото.
20.10 Ракурс.
20.30 Куз оҳанглари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
00.55 ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ

9.00, 14.30 Сериал «НА КРАЮ ВСЕЛЕННОЙ-2».
9.50 Приключенческий фильм. «ЖЕЛЕЗНАЯ МАСКА ГЛАЗАМИ ДЮМА».
11.30 «Черная» комедия «НЕПРИДУМАННЫЕ ИСТОРИИ».
12.00 Док.сериал «Путешествия с Национальным Географическим Обществом».
13.00 Док.сериал «Час Дискавери».
14.05 Док.сериал «Удивительные миры».
15.30 Телеигра «Пойми меня».
16.00 ТНТ-Спорт.
19.30 Музыкальная комедия. «ПРИКЛЮЧЕНИЯ ПЕТРОВА И ВАСЕЧКИНА. ОБЫКНОВЕННЫЕ И НЕВЕРОЯТНЫЕ». 2-я серия.
21.00 «Комната смеха».
21.30, 4.25 Детективный сериал «ДИАГНОЗ. УБИЙСТВО».
22.30, 3.35 Шоу «Титаны рестлинга на ТНТ».
23.30 «Культовое кино». «ПОХИТИТЕЛЬ РАДУГИ».
1.30 Триллер. «В ЖИЗНИ, КАК В КИНО».

9.10 «Москва на все времена». Документальный сериал.
9.35 «Отчего, почему?».
10.30 АБВГДейка.
11.00, 15.15, 17.50 Мультпарад.
11.45 «Полевая почта».
12.15 Наш сад.
12.35 Лакомый кусочек.
13.00 Московская неделя.
13.30 Звезда автостарады.
13.45 Родное кино. «Журавушка».
15.25 «Приглашает Борис Ноткин».
16.00, 1.15 События.
16.15 «Алфавит». Телеигра.
16.55 «21-й кабинет».
17.25 «Удивительный мир животных». Телесериал.
18.15 Детектив-шоу.
19.00 К юбилею Михаила Ульянова. «РУССКАЯ НАРОДНАЯ ПОЧТА». Телеспектакль. Части 1-я и 2-я.
20.20 «КОМИССАР НАВАРРО». Телесериал.
22.00 «Момент истины».
23.00 Боевик «ОХРАННИК ДЛЯ ДОЧЕРИ».
1.25 Спортивный экспресс
2.00 Программа «Деликатесы».
2.35 Серебряный диск.

9.30 «Дикая планета». Док-фильм.
10.30 «Fox Kids» на REN TV. «Деннис-непоседа». Мультсериал.
11.00 «Fox Kids» на REN TV. «Флинт - детектив во времени». Мультсериал.
11.25 «Fox Kids» на REN TV. «Хитклиф». Мультсериал.
11.50 «Симпсоны». Мультипликационная серия (США).
12.50 «ВЕДЬМАК». Телесериал.
13.55 «ТАЙГА». Телесериал.
15.00 Военная тайна.
15.30, 3.10 «24». Информационная программа.
15.50 Лотерея АвтоВАЗа.
16.00 «Кино». «ЗИМНИЙ ВЕЧЕР В ГАГРАХ».
17.55 Мир спорта глазами «Жиллетт».
18.15 «Очевидец».
18.50 «ВОВОЧКА». Комедийный сериал.
19.25 «Fox Kids» на REN TV. «Непобедимый Слайдермен». Мультсериал.
19.50 «Fox Kids» на REN TV. «Вуншпунш». Мультсериал.
20.20 «Кино». «ДРАКА В БЭТТЛКРИК».
23.00 «ТАЙГА». Телесериал.
24.00 «Кино». «ГОСФОРД-ПАРК».
3.30 «СЕКРЕТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ». Телесериал.
4.30 «Последний холостяк». Ток-шоу.

ҲАМКОРЛИК

Грант шартномалари тузилди

БУГУН

Халқаро бизнес марказида Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамда молиявий ҳамкорлик доирасида кичик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир нечта бегараз грант шартномалари тузилди.

Маълумки, икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилгандан буён республикамизда турли соҳаларни ривожлантириш бўйича кунчиқар мамлакати томонидан ҳар томонлама, айниқса, тиббиёт ва таълим йўналишида ёрдам кўрсатилиб келинмоқда.

Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан имзоланган навбатдаги шартномалар Тошкент шаҳридаги 41, 254, 101 ва 196-мактабларни замонавий дастгоҳ ва техника билан жиҳозлаш билан бир қаторда ушбу ўқув муассасаларида таъмирлаш ишларини амалга оширишга ҳам йўналтирилган.

Шунингдек алоҳида шартномалар шаҳар онкология касалхонасини тубдан таъмирлаш ҳамда Мирзо Улуғбек тумани ободонлаштириш бошқармасини йўл-қурилиш техникалари билан таъминлаш лойиҳалари бўйича имзоланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати

АНЖУМАНЛАР

ҚЎШМА ЛОЙИҲА АСОСИДА

Маълумки, ОИТС ва гиёвандликнинг олдини олиш бўйича Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ Халқаро агентликларининг қўшма лойиҳаси 2000 йилдан бошлаб юртимизда фаолият кўрсатмоқда. Лойиҳа ходимлари билан биргаликда шаҳримиз ҳудудидаги қатор маҳаллаларда тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Акмал Икромов туманидаги Ойбек ҳамда Чилонзор туманидаги «Чўпон ота» маҳаллалари фаоллари билан лойиҳа ходимлари ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган.

Аср вабосига айланган ОИТС ва гиёвандликнинг олдини олишда маҳаллалар фаоллигини кучайтириш мақсадида яқинда БМТ ваколатхонасида Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси лойиҳа мутахассислари билан биргаликда «Гиёвандлик ва ОИТСнинг олдини олишда маҳаллаларнинг роли» мавзуидаги семинарни уюштиришди. Анжуман ишида шаҳримизнинг барча туманларидан маҳалла оқсоқоллари фаол иштирок этдилар.

Семинарни Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Р. Акромов кириш сўзи билан очиб, гиёвандлик ва ОИТСнинг маҳаллаларимизга кириб келишининг олдини олиш ишида ҳар бир фуқаро масъул эканлигини алоҳида таъкидлаб, бу борада оқсоқолларнинг вазифалари муҳимлигига йиғилганларнинг эътиборини қаратди.

Республикада ОИТС бўйича эпидемик вазият ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ОИТС маркази директори М. Ҳакимов, лойиҳа раҳбари Ш. Шовоҳобов эса ушбу лойиҳа фаолияти тўғрисида батафсил тўхталиб ўтдилар. Шаҳар ОИТС маркази шифокори Д. Қаландаров олиб борилаётган профилактика ишлари тўғрисида, гиёвандлик муаммоси бўйича эса шаҳар Наркология диспансери шифокори З. Отабоевларнинг маърузалари тингланди. Бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида Акмал Икромов туманидаги Ойбек ва Чилонзор туманидаги «Чўпон ота» маҳаллаларининг оқсоқоллари М. Ҳусаинов, У. Жавлоновлар ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар. Мактаб ўқувчилари орасида ушбу масалада ўтказилган сўровнома натижалари тўғрисида В. Столяров маълумоти йиғилганлар эътиборига етказилди. Йиғилганларга «Уларнинг дарди — бизнинг ҳам дардимиз» видеофильми намойиш этилиб, унда кўтарилган «Аср вабоси»нинг иллатларидан ёшларимизни асраб қолиш ҳар биримизнинг ўта муҳим вазифамиз ва инсонийлик бурчимиз эканлиги кўрсатиб берилди. Семинар баҳс ва мунозараларга бой тарзда ўтди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА

«Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси маълум қиладики, Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси Молия бош бошқармасининг 2002 йил 14 ноябрдаги 437-ТГ-2002 — рақамли буйруғига мувофиқ 2002 йил 1 декабрдан корхоналар ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси баҳоси (тарифи) қўшилган қиймат солиғи инобатга олинмаганда 5120 сўм/Гкал, қўшилган қиймат соли ғи билан эса 6144 сўм/Гкал қилиб белгиланди.

«Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент шаҳар аҳолисига маълум қиладики, Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси Молия бош бошқармасининг 2002 йил 14 ноябрдаги 437-ТГ-2002-рақамли буйруғига мувофиқ 2002 йил 1 декабрдан иситиш ва иссиқ сув таъминотига қуйидаги ойлик тариф (нарх)лар белгиланди:

марказий иситиш — 1 кв. м турар жой майдонига 47 сўм;

иссиқ сув таъминоти:

— ўлчаш асбоблари бўлмаганда — 1 кишига 718 сўм;

— ўлчаш асбоблари бўлганда — меъёр чегарасида 1 куб. м учун 160 сўм;

— меъёрдан ортиқ истеъмол қилинганда 1 куб. м учун 296 сўм.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва кимё факультети жамоаси ноорганик кимё кафедраси доценти Ҳакимжон Асланович Ҳамидовга волидаи муҳтарамаси

Жамила ая ҲАМИДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сўранг, жавоб берамиз

Мақбул келадиган иш деганда нима тушунилади?

М. Имомов

Мақбул келадиган иш тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида ва Аҳолининг бандлиги ҳақидаги Қонунда берилган бўлиб, жумладан Меҳнат Кодексининг 61-моддасида қуйидагича таърифланади:

Биринчи марта иш қидираётган, касби (мутахассислиги) бўлмаган шахслар учун дастлабки тайёргарликни билдиради.

Биринчи марта иш қидираётган, касби (мутахассислиги) бўлмаган шахслар учун дастлабки тайёргарликни талаб қилмайдиган иш, бундай иш бўлмаган тақдирда эса уларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳақ тўланадиган бошқа иш, шу жумладан вақтинчалик иш мақбул келадиган иш деб ҳисобланади.

Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун уларнинг касб тайёргарлигига мос бўлган, ёшини, соғлиғи ҳолатини, меҳнат стажини ва аввалги мутахассислиги бўйича тажрибасини, янги иш жойингизга транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлигини инобатга олувчи иш мақбул келадиган иш ҳисобланади.

* * *

Биз оилада тўрт фарзандмиз. Яқинда отамиз вафот этдилар ва улардан бизга мерос қолди. Айтингчи, ушбу меросни тақсимлаш қонун-қоидаси қандай бўлади?

Ф. Умарбеков

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1150-моддасига биноан меросни қабул қилиб олган қонун бўйича меросхўрлардан бири мероснинг тақсимланишини талаб қилишга ҳақли.

Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра ўзларига тегишли улушларга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса суд тартибида амалга оширилади.

Ушбу модданинг қоидалари барча мерос ёки унинг бир қисми меросхўрларга улушларда муайян мол-мулк кўрсатилмасдан васият қилинган ҳолларда меросни васиятнома бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимлашга нисбатан қўлланилади.

* * *

Жияним менинг уйимга рўйхатдан ўтган эди. Лекин у 2000 йилда Россияда ишлаб келаман деганча бедарак кетди. Шу кунгача ундан ҳеч қандай хат-хабар йўқ. Мен эса хотиним билан ажрашаётганим сабаб уй-жой масаласида низолар чиқиб қолди. Жияним келиб қолса иш бошқача бўлар эди. Энди мен нима қилсам экан?

М. Умурзоқов

Ушбу ҳолатда сиз Фуқаролик Кодексининг 33-37-моддасига биноан, судга мурожаат қилишингиз мумкин. Яъни, шахс бир йил давомида турар жойга келмаса ёки унинг охирги турар жойидан маълумот бўлмаса, бедарак йўқолган деб топиш ҳақида уч йил давомида, ҳудди шундай ҳолат давом этса, вафот этган деб топиш тўғрисида судга мурожаат қилиш мумкин. Фуқарони бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топишнинг оқибатлари қонун ҳужжатларида белгиланган. Агар фуқаро қайтиб келса, суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинади.

* * *

Фарзандимнинг кўзи тез-тез қизариб қолади. Бу аллергия эмасми?

Н. Холиқова

Кўз шиллиқ қавати, кўз милки яллиғланиб қизарса, бу ҳам аллергиянинг бир кўринишидир. Бу касаллик ҳамма ёшдаги кишиларда учрайди. Аммо унга болалар кўпроқ чалинади. Бунга боланинг кўзи қуруқ иссиқлик — қуёшнинг ўткир нурига ўта таъсирчанлиги сабаб бўлади. Бу касаллик ёз фаслида авж олади. Боланинг кўзи қизариб, милки қичишиб, ёшланиб, ёруғликка қаролмайди. Айниқса, кечқурун кўз милки кўпроқ қичийди. Бундай ҳолларда асло ўзингиз даволашга уринманг. Зудлик билан шифокорга мурожаат қилинг. Кўз оғришининг олдини олиш учун қуёш тиғидан эҳтиёт бўлиш лозим. Ҳимоя кўзойнак тақиш жуда фойдали.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

ГУРУЧ ОРАСИДАГИ КУРМАКЛАР

Ёшгина аёл оламдан ўтди. Уни сўнгги йўлга кузатдик. Қабристонда ола шивир гап юриб қолди.

— Марҳума ҳали ёш экан. Бирор оғир дардга чалинган бўлса керакда?

— Йўқ. Бир жарроҳнинг совуққонлиги унинг умрига зомин бўлди.

— Қандай қилиб?

— Бундан ўн ой олдин юрак хасталиги туфайли операция қилишган экан. Ундан яхши чиқибди. Муолажадан сўнг тузалиб уйига қайтибди. Лекин ўшанда жарроҳ тушмагур шошмашошарлик билан унинг қорнида бир ярим метрлик докани унутиб қолдирган экан. Ойлар ўтиб ўша лоқайдлик ўз асоратини кўрсатибди. Ичаклари аста чирий бошлабди. Аёл оғриққа чидаб ўзича турли муолажаларни қилиб юраверибди. Охири шифокорларга мурожаат қилибди. Улар текширишиб, қайта операция қилиш кераклигини айтишибди.

— Тоза қийнашибди-ку?

— Қийнаш ҳам гапми? Энг ёмони жарроҳлик оғир ўтибди. Чириб- йирингланб кетган ичакларни кесиб ташлашибди. Лекин бўлмабди. Аёл икки кун оғир аҳволда ётиб оламдан ўтибди.

— Аттанг, ёш болалари ҳам кўп бўлса керак.

— Нимасини айтасиз? Уч гўдаги она меҳрига зор бўлиб чирқираб қолди.

Шу дамда негадир яқин қўшнимизнинг ўғли билан бўлган шу каби бир воқеани эсладим. Ўша йигит ҳам жарроҳларнинг айби билан уч марта операция бўлган эди. Бирида қорнида дока қолиб кетди. Уни олдириб ташлаш учун ўша жойни қайта кесишди. Қарангки бу сафар тикиш чоғида қайчини унутиб қолдиришибди. Орадан бир неча муддат ўтиб яна операция қилиниб, қайчи олиб ташланди. Ҳар қалай йигитнинг умри узун экан, уччала операциядан омон қолди. Лекин бу орада у озмунча азоб чекдими? Ахир шунчалик ҳам лоқайдлик, ўз ишига масъулиятсизлик бўладими?

— Қайсидир касб эгалари нўноқ, лоқайд ва масъулиятсиз бўлса бордир. Лекин шифокор жарроҳ бундай салбий хусусиятлардан батамом ҳоли бўлиши керак. Чунки унинг қўлига инсон ҳаёти ишониб топширилган, — ёнимдаги ҳамроҳимнинг шу гапидан ҳушёр тортдим.

Дафн маросимидан сўнг марҳума чиқарилган хонадонга қайтдик. Умр йўлдошидан бемаврид айрилган эр, унинг ёнида катта-кичик уч гўдак бир аҳволда бош эгиб, мунғайиб туришарди. Жудолик азобидан кўзларида ёш.

— Бандалик, — дейман уларнинг кўлларини бирма-бир сиқиб. — Худо сабр берсин.

— Отахон, раҳмат, — дейди менга қараб марҳумнинг эри. — Бу ишни шундоқ қолдирмайман. Болаларимни етим қилган ўша масъулиятсиз жарроҳни судга бераман.

Нима ҳам дердим. Индамадим. Бир чеккаси йигит ҳақ.

Бу битикларни ўқиган Гиппократ қасамига содиқ шифокорлар, куну тун жарроҳлик столи ёнида тик туриб беморларга қайта умр бағишлаётган ўз касбига содиқ қўли енгил жарроҳлар бизни кечиришсин. Зинҳор-базинҳор гап улар устида бораётгани йўқ. Лекин афсуслар бўлсинки, минг-минглаб шундай фидойилар қаторида туриб ўз лоқайдлиги, масъулиятсизлиги туфайли улар шаънига доғ тушираётган баъзи «гуруч орасидаги курмаклар» ҳам борки, уларнинг юқоридаги каби қилмишларидан кўз юмиб бўлмайди.

КУЗ —ХАЗОНРЕЗГИЛИК ФАСЛИ

Ҳар фаслнинг ўзига хос хислатию фазилати бор. Куз ҳам бундан мустасно эмас. Унинг асосий хусусияти шундаки, бу фаслда дарахтлардаги мевалар олтиндек тобланиб, пахтадан тортиб барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларигача етилиб пишади. Куз йиғим-терим фасли бўлгани билан ҳам бошқалардан ажралиб туради. Бу фасл ўз фазилатлари билангина эмас, балки ўзига хос ташвишлари билан ҳам одамларни шошириб қўяди. Хусусан бу даврда қиш тайёргарлиги бошланади. Тиллоранг япроқлар ерни қоплайди. Хазонрезгилик бошланади.

Шундай дамларда куз ҳавосидан тўйиб нафас олиб шаҳар кезганга нима етсин. Шу ниятда йўлга отландик. Автобусда бораётиб теварак-атрофда рўй бераётган куз мўъжизаларини кузатамиз. Фаррошларнинг қўли қўлига тегмайди. Улар пешма-пеш дарахтлардан тўкилган хазонларни супуриб-сидиришади. Баъзан жойларда йўл четкаларида тутаб ёнаётган хазонларга ҳам онда-сонда бўлса-да кўзимиз тушади. Унинг аччиқ ҳиди ва тутунидан шу атрофдан ўтиб бораётган йўловчилар безовта. Бундай ҳол ҳар қандай кишининг кайфиятини бузади, албатта. Шу сабабми, ёки кўпчиликни дилида анчадан бери сақланиб қолган гапми, ишқилиб бирдан суҳбатимиз ўз-ўзидан қизиб кетди.

— Ҳар йили хазонларни ёқмаслик ҳақида гапирилади. Лекин барибир бунга кўпчилик амал қилмайди, — дейди йўловчилардан бири катта йўлнинг бир қисмида тутаб ёнаётган хазонларга назар ташлаб.

— Шундай ўзбошимчалик туфайли азият чекаётганлар ҳам йўқ эмас. Тунов куни қўшнимиз ҳовлисида тўпланиб қолган хазонларни ёқиб юборган экан, шамол туриб ёнган хазонларни учириб томига уйиб қўйилган хашакка урибди. Қўшни тушмагур бундан бехабар бемалол уйида телевизор кўриб ўтираверибди. Бир вақт қараса уйнинг томи ёнаётган эмиш. Ёрдамга одамларни чақирибди. То кўпчилик тўпланиб ўт ўчирувчилар келгунча аланга бутун уйни қоплабди. Ҳуллас бечора анча жабр кўрди, — деди суҳбатга қўшилиб орқа ўриндикда ўтирган ўрта ёшлардаги киши.

— Ҳозир аксари оилалар хазонлардан қутулишнинг осон йўлини топиб олишган. Улар ҳар кунги тўпланган хазонларни ёқиб юборишни маъқул кўришади, — дейди олдингги ўриндикдаги нуроний отахон. — Аслида улар бу қилмишлари билан атроф-муҳитга зиён-заҳмат етказаётганларини билишмайди. Қадимда хазонлардан фақат ўғит сифатида фойдаланиларди. Ҳар бир хонадонда хазонни тўплаш учун махсус ғарлар кавланарди. Уларга супуриб туширилган хазон, хас-хашаклар қиши билан чириб эрта баҳорда тайёр ўғитга айланарди. Ҳозир негадир бу фойдали усул биздан тобора узоқлашиб боряпти.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

— Хонадонлар ўз йўлига. Лекин гавжум кўчалар ва хиёбонларда ўқтин-ўқтин ёниб тутаётган хазонлар кишининг ғашини келтиради. Ахир уларни олиб кетадиган махсус машиналар бор. Лекин шунга ҳам қарамай, баъзи фаррошлар улардан тезроқ қутулиш чораларини излашади, — дейди яна биров. — Ҳатто неча йиллик дарахтлар тагига тўпланиб қолган хазонларни йўқ қилиш учун дарахтга зиён-заҳмат етишини ўйламай ёқиб юборишади-я.

Шу куни кўрган-кечирганларим ва эшитганларимдан ўзимча хулоса чиқариб фикрлайман. Ахир она табиат яратган неъматлар, мўъжизалар орасида ҳеч бир ортиқча нарсанинг ўзи йўқ. Олимларимиз ҳатто чиқиндилардан ҳам турли воситаларда фойдаланиш йўлларини излаб топишган. Хазонлардан қандай фойдаланиш мумкин, деган саволни улар ўқумига ҳавола этиб, ҳозирча биз хазонларни бекорга нес-нобуд қилмай ота-боболаримиз қўллаган усул, ҳеч бўлмаса улардан ўғит тайёрлашда фойдаланиб турсак нур устига нур бўларди.

ЯХШИЛАР КЎП ДУНЁДА

Кайфиятим бузилиб, бир аҳволда уйга қайтсам кампирим:

— Ҳа, отаси бугун бироз нохушроқ кўринасиз? — деб қолди. Ўшқириб берай дедиму, ўзимни тутдим. Рост-да, ахир бу бечорада нима айб.

— Ҳа, энди шундоқ. Гоҳ худ, гоҳ бехуд-да онаси, — деб кўя қолдим тўнғиллаб.

— Ўзингизнинг қон босимингиз бўлса, ҳар нарсага тажанг бўлаверасизми, — деди у. — Кейин қўлидаги бир парча қоғозни менга тутқазди.— Яхшиси мана буни ўқинг.

Истар-истамай, ғилофдан кўзойнагимни чиқариб қоғоздаги ёзувларга термулдим. Унда: «Ҳурматли Муборак хола туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз, — сиз бизнинг фахримиз бўлган онахонимизга, умр йўлдошингиз Зийрак бобомизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Жамоа номидан мана шу арзимас совғамизни кўп ўрнида қабул қилгайсизлар», — деган сўзлардан кейин мактубга корхона раҳбари ва касаба уюшмаси раисининг имзоси қўйилибди.

— Ана кўрдингизми, отаси, — дейди кампирим тушмагур хурсанд бўлиб жамоаси тақдим қилган чинни буюмларни бирма-бир кўрсатиб. — Корхонадан кетганимга ўн уч йил бўлибдики, бошлиқларимиз туғилган кунимда бирор совға билан мени йўқлашни унутишмайди. Барибир дунёда яхшилар кўпда, отаси.

Ҳа, яхшилар кўп дунёда, дейман ўзимга ўзим. Биргина мана шу сўз юрагимдаги аччиқ ғуборларни бир зумда тарқатиб юборди.

«02»: ҲОДИСАЛАР

◆ Осонгина мўмай пул топиш йўлини кўзлаган икки нафар талончи яқинда Сергели тумани ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Аниқланишича, улар Қоратош мавзеси, 16-уйда истиқомат қилувчи фуқаро А. Рустамовнинг пулларига бир амаллаб эга бўлмоқлик мақсадида аввалига ишончига кириб олганлар ва уни Қўйлиқ-6 мавзесида жойлашган 23-уйга бошлаб келиб, куч ишлатганлар-да, ёнидаги олти миллион юз минг сўм пулини тортиб олиб, воқеа жойидан жуфтакни ростлаган эканлар. Аммо «бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидек, бу жиноятчилар, яъни Қўйлиқ-6 мавзесида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Ш. Николай ва унинг ҳамтовоғи, ушбу манзилда яшовчи А. Пирмаматлар бугунги кунда қонун олдида қилмишлари учун жавоб бермоқдалар.

◆ Собир Раҳимов тумани, Дадабоев кўчасида яшовчи, ҳалол меҳнат қилишга бўйин товламайдиганлар сирасига кирувчи Б. Равиль исмли фуқаронинг фирибгарлик жиноятига қўл урганлиги милиция ходимлари томонидан фош этилди. Маълум бўлишича, у Қорақамиш даҳасидаги Миллий банк биноси олдида, Қорақамиш-1 даҳаси, 28-уй, 5-хонадонда истиқомат қилувчи М. Ибрагимовани алдаб, унга «Банкдан доллар ва чек олиб бераман» деб, 1900000 минг сўм пулини эгаллаб олиб, қочиб юрган. Ҳозирда ушбу жиноятчи устидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

◆ Ҳамза тумани, Лисунов-1 мавзеси, 8-уйда истиқомат қилувчи А. Зовский исмли фуқаронинг ҳам ана шундай фирибгарлардан бирининг найранглари оқибатида анчагина сарсон-саргардонликда қолишлигига тўғри келди. У соддадиллиги туфайли Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида яшовчи, муқаддам судланган бўлса-да, ҳамон бирон жойда ишламайдиган П. Назир деган кимсанинг «уй олиб бераман» дея катта-катта ваъдаларни рўкач қилганлигига лаққа тушиб, ўзининг йигирма юрган жами 1500000 сўм пулларини тутқазиб юборганди. Орадан маълум вақтлар ўтса-да, ушбу «ҳожатбарор» танишидан садо чиқавермагач, у милицияга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Эндиликда фирибгарлик жиноятини содир этган ушбу айбдор «Бировнинг моли ўзгага буюрмас» деган нақлнинг моҳиятига тушуниб етса ажаб эмас...

◆ Маълумки, бугунги кунда аср вабоси гиёвандликка қарши барча ақли расо кишилар қураш олиб бормоқдалар. Аммо афсуски, орамизда айрим иймонини ютган кимсалар ушбу заҳри қотил моддалар олди-сотдиси билан шуғулланиб, бунинг ортидан мўмай даромад орттиришни кўзламоқдалар. Яқинда Ички ишлар ходимларининг тезкор тадбирлари натижасида, ана шундай қабиҳ ишларга қўл урган бир нечта жиноятчилар далилий ашёлар билан ушландилар. Жумладан, Чилонзор тумани ҳудудидаги С. Раҳимов метро бекати олдида қўлга олинган Самарқанд вилояти, Паст-дарғом тумани, Жума шаҳрида яшовчи фуқаро Г. Латифнинг ёнидан 153,7 грамм марихуана моддаси топилди.

◆ Ҳамза тумани ИИБ ходимлари томонидан ҳам Сирдарё вилояти, Ширин шаҳрида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Д. Евгений исмли шахснинг Сергели туманида яшовчи, аввал судланган Х. Дилмурод деган кимсага 12 грамм миқдордаги героин моддасини 240000 сўмга сотганлиги фош этилди. Шайхонтоҳур тумани Аҳил кўчасида яшовчи бирон жойда ишламайдиган К. Абдумурод исмли шахснинг ҳам 4 грамм героин моддасини ўз уйига олиб келиб, уни пулламоқчи бўлганлиги аниқланди. Ҳозирда ушбу оғуфурушлар устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

◆ Миробод тумани ИИБ навбатчилик қисмига Жамбил кўчасидаги фуқаро Е. Тимашевага тегишли 24-хонадонда ўғирлик жинояти содир этилганлиги тўғрисида хабар келди. Воқеа жойида ҳозир бўлган тезкор гуруҳ вакилларининг кўрган чора-тадбирлари натижасида ушбу хонадондан 1930 АҚШ доллари ҳамда икки хил тилла тақинчоқлари ўмариб кетган жиноятчи далилий ашёлар билан ушланди. У бирон жойда ҳалол меҳнат қилишни хуш кўрмайдиган Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманида яшовчи Н. Аннақул экан.

◆ Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 10-кичик туманда истиқомат қилувчи ҳеч қаерда ишламайдиган З. Геннадий деган шахс ҳам бугунги кунда ўйламай босган қалтис қадамидан қаттиқ пушаймон қилиб ўтирибди. У Юнусобод тумани, Қашқар мавзеси, 9-уй, 60-хонадонга кириб, уй эгаси Д. Алижонованинг «Сони» русумли видеомагнитофони ва 200000 сўм пулларини ўғирламаганда эди, виждон азобида қийналмаган бўлармиди...

Самариддин ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур...

● Яхшилик ва камтарлик — шу икки фазилатдан киши ҳеч қачон чарчамаслиги керак.

● Ҳар нарсага қарши турса бўлади, лекин яхшиликка қарши туриб бўлмайди.

● Бирор бир кимсага яхшилик қилсанг, шуни билгинки, сенинг саховатингдан у бехад шод бўлгани каби, сенга ҳам шунчалик завқ насиб этади.

● Киши яхшилик қилишга қодир экан, қадр билмаслар билан тўқнашиш унга хавф солмайди.

Байт:

Наъфинг агар халққа бешак эрур,
Балки бу наф ўзингга кўпроқ эрур.

Ҳикоят: Ҳотамтой ўз саховати, мурувватлари билан халқ ичида танилган эди. Унинг саховати элга маълум эди. Арабистонда, Яманда, Сурияда, Кичик Осиёда, Византияда халқ унинг номини ҳурмат билан тилга оларди. Бу мамлакатларнинг подшоҳлари унга ҳасад қилиб, душманлик йўлини тутибдилар. Чунончи Сурия подшоҳи уни синамоққа жазм қилибди. У ўзининг амалдорини Ҳотамтой олдига жўнатиб, ундан Араб мамлакатларида жуда нодир бўлган қизил мўйли туяни сўратибди. Ҳотам амалдор хабарини эшитиб: «Олампаноҳ илтимослари биз учун қонун», дебди. Амалдорга иззат-икром кўрсатиб зиёфат берибди. Ҳотам Араб қабилаларига ўз чопарларини юборибди ва кимдаким мазкур туяларга эга бўлса, уларни икки ой ичида олиб келишини, ҳар бир туяга икки баравар пул берилишини билдирибди. Шундай қилиб Ҳотам қарзга 100 та нодир туя олиб, уларни Сурия подшоҳига юборибди.

Подшоҳ таажжуб билан фикр қилибди: «Мен уни синамоқчи эдим, у эса мени деб қарзга ботибди». Сўнг подшоҳ Ҳотамтой берган туяларга қимматбаҳо Миср ва Сурия молларини ортиб қайтариб юборибди.

Карвон Ҳотамтой қабиласига етгач у ҳар бир туянинг устидаги моллари билан эгаларига топширибди. Бу хабар Сурия подшоҳи қулоғига етганда: «Бундай саховатга Ҳотамтойдан бошқа ҳеч бир инсон қодир эмасдир», дебди.

Байт:

Яхши хулқли бўлғил ҳамда соф кўнгил,
Одамларга доим инсофли бўлғил.
Бу меҳнатхонада яхшию ёмон,
Учрайди, яхшилик қилавер ҳамон.

● Ёмон одамнинг яхшилиги — зиён бермай туришидир.

● Айбсиз одамни кўрганда ҳасадгўйнинг жаҳли чиқади.

● Шараф наслу насаб билан эмас, фазлу адаб билан топилади.

● Такаббурга салом берма, саломга жавоб бериш унга оғир келади, жавоб бермагани эса сенга малол келади.

● Инсондаги ажойиб хулқлардан бири тўғриликдир. Тўғрилик одамдаги ҳамма ишларнинг тартиб ва маромда кетишини таъминлайди. Тўғрилик издан чиқдими, демак: ҳамма ишлар тартиби бузилади. Хоҳ катта ва улуғ ишлар бўлсин, хоҳ кичкина ва арзимас амаллар бўлсин, агар диққат кўзи билан қарасанг, уларда тўғрилик бўлмаса, ҳаммаси хароб бўлади. Барча турдаги ишларнинг бари тўғрилик билан барқарор, шу ишларни амалга оширувчилар эса тўғрилик билан бардам ва устувордирлар.

● Шахсингизга душманлик қилган кишини авф этингиз. Лекин, Ватанингизга, миллатингизга ва динингизга душманлик қилган кишини кечирманг.из.

Кайковус шундай дейди:

● Киши суҳандон, суҳангўй (нотиқ) бўлиши керак. Аммо, эй фарзанд, сен суҳангўй бўлгил ва доруғгўй (ёлғончи) бўлмағил... Ҳар сўзни андиша била бошлағил, токи айтғон сўзингдин пушаймон бўлмағайсан.

Андишани илгари тутмоқ ҳам бир нав кароматдур. Ҳеч сўзни эшитишдан дил тан бўлмағил. Ул сўз ишингга хоҳ ярасун, хоҳ ярамасун уни эшитгил, то юзингга сўз эшиги бекланмасун ва фойдаси фавт (йўқотиш) бўлмасун.

Совуқ сўзли бўлмағил. Совуқ сўз бир тухумдир. Ундин душманлиғ ҳосил бўлур.

Эй фарзанд, агар ҳар нечаким суҳандон бўлсанг ўзингни билғондан камроқ тутгил, то сўзлаш вақтида нодон ва бебурд бўлиб қолмағайсан. Кўп билиб, оз сўзлағил ва кам билиб кўп сўз демағил. Нима учунки, ақлсиз шундоқ киши бўладур —у кўп сўзлар. Дебдурларки, хомушлиқ саломатлик сабабидур, чунки кўп сўзлағувчи оқил киши бўлса ҳам, авом уни ақлсиз дерлар. Ақлсиз киши хомуш бўлса, уни оқил ҳисоблайдилар. Қўшиш қилким, халойиқ сени таъриф қилсунлар ва шундоқ сўз дегилким, у ишга ярасун, бекор ва зое кетмасун.

Байт:

Ақл улуғликка этади пайванд,
Ақлсизнинг доим оёғида банд.

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

Муҳаммад Авфий

Жавомеъ ул-ҳикоёт

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

* * *

Мансур қасрга киргач, унинг ғоятда муҳташамлигидан лол бўлиб қолди ва юзида ҳайрат асари пайдо бўлди. Рум подшоси таржимонга деди:

— Сўраб кўр-чи, уларнинг подшосида ҳам мана шундай қаср ва шунчалик зумрадлар бормикан?

— Амирулмўминнинг уйида зумрад шунчалик кўпки, агар хоҳласа уйининг остонасини ҳам зумраддан қилдиради, — деб жавоб берди Мансур.

Рум подшоси Мансурнинг лоф уриб, ёлғон гапираётганини сезди ва бошини қимирлатиб деди:

— Тўғри сўзламоқ энг яхши фазилатдир.

Шундан сўнг Мансур Бағдодга қайтиб келди ва Хорунаррашидга Рум подшосини мактуби ва совға-саломларини топширди. Мансурнинг хизмати амирга маъқул бўлди ва унга юз минг динор инъом қилди. Хорунаррашид Мансурга юз минг динор берилиши ҳақида хазинадорга барот ёзиб, муҳрлар экан, Мансур унинг ҳузурида тик туриб сафарда кўрган ажойиботлардан сўзларди. Ногоҳ, Мансурнинг эсига Рум подшосининг қасри ва у ердаги зумрадлар тушди. Мансур қасрнинг таъриф ва тавсифини қилди. Шунингдек, зумрад ҳақида Рум подшосига берган жавобини такрорлади. Мансурдан бу сўзни эшитиб, Хорунаррашид ғоят ғазабланди:

— Ёлғон гапиришдан уялмадингми? Шундай номаъқул гапни гапирибсанки, ҳатто ҳақиқатни тан олмасдан унга қарши ёлғон сўзлашлик номардлик аломати эканини ҳам тушунмабсан. Агар шоҳларнинг ишончли кишилари ёлғон сўзлашга журъат этсалар, у ҳолда ўзлари шоҳнинг ишонч ва эътиборидан маҳрум бўладилар. Бугундан бошлаб бизнинг ихлосимиз ҳам сендан қайтди. Сенинг бахтсизлигинг шундаки, ёлғон гапиргансан. Ёлғончилигинг учун мукофотламаймиз. Зеро олтинни кумушга алишмайдилар, — деб баротни йиртиб ташлади ва юз минг диноргa янги барот ёзиб Мансурга берди. Юз минг динорнинг дард-аламини Мансурнинг дилидан ҳаргиз кетмади. Бунинг асл сабаби бир оғиз ноўрин ёлғон гапиргани эди.

* * *

Бағдод бойларидан бирининг иши орқага кетиб, қашшоқлик гирдобига чўка бошлади. Очлик ва муҳтожлик машаққатларидан қутулиш учун йигит Бағдоддан Басрага келди. У оч-наҳор шаҳар кўчаларини кезарди. Аммо ўз аҳволини бирор кимсага айтишдан уяларди.

Бир кун йигит бағдодликлардан бир танишига хат ёзиб, ундан қарз олмоқчи бўлди. Йигит баққолнинг дўкони олдига бориб, ёнидаги пичоқни баққолга гаровга қўйди ҳамда қоғоз, сиёҳ сотиб олиб, дўстига хат ёзди. Баққол йигитнинг хатини ва ўзини кўриб ундан хол-аҳвол сўради.

Йигит ўз аҳволини ва тирикчилик машаққатини баққолга бирма-бир баён қилди. Баққол деди:

— Агар бирор кишининг хизматига кирсанг, бу машаққатлардан қутулган бўлардинг...

— Бирор киши мени ўз хизматига қабул қилса, барча мушкулларини осон қилардим.

— Бу ерда бир киши бордир, номини Абу Собир дерлар. Катта давлатманд, аммо ўтакетган бахилдир. У мендан бир киши топиб беришимни сўраган эди. Токи унинг даромади ва харажатларини ёзиб, барча икир-чикир ишларида унга ёрдамчи ва мададкор бўлгай. Бироқ унинг бахиллиги туфайли ҳеч ким унга дош беролмайди. Хизмат ҳақини ҳам оз тўлайди.

— Нимаики берса мен розиман, хизматга тайёрман, — деди йигит.

Баққол йигитни Абу Собир олдига олиб борди. Абу Собир йигитга бир ойда ўн кумуш дирам ҳақ тўлашга қарор қилди. Йигит хизматга киришди. Йигит хўжайиннинг кирим-чиқимини дафтарга қайд қилиб борарди. Йигит Абу Собирда олти ой хизмат қилди. Шу муддат давомида унинг хотинларини ҳам кўрмади. Саройи ичкарисида нималар бор эканини ҳам пайқамади. Эшиги олдига қачон келмасин, унинг олдига йиртиқ тўн кийган ёш гўдак чиқиб келарди.

Кунлардан бир кун йигит Абу Собирдан сўради:

— Бу гўдак сенга ким бўлади?

— Ўғлим бўлади, аммо унга янги кийим қилиб бермайман, исроф бўлмагай, — деб жавоб берди Абу Собир.

Йигит ўзича: «бадбахтлик бундан ортиқроқ бўлмаса керак. Зеро, ўз ўғлига фойдаси тегмаган одамнинг бошқалар учун қандай нафи тегсин!..»

Шундан сўнг, унинг хизматидан бўшаб кетишга жазм қилди. Ўша кечаси ишдан кетиш фикрида ухлади. Тушида бир мўйсафид: «Сен Абу Собирнинг хизматидан кетмагин, чунки сенга ундан кўп фойдалар вужудга келгусидир», деди. Шундан сўнг, у яна Абу Собир хизматида қолди. Бир кун Абу Собир ҳузурига бориб, уни учратолмади. Абу Собир касал ётибди, деб хабар қилдилар. Бир ҳафтагача уни кўрмади. Бир ҳафтадан сўнг унинг саройига борди. Уни ичкари уйга таклиф қилди. Уй катта эди. Аммо уйда на гилам ва на намат бор эди, фақат уйнинг ўртасига битта бўйра солинган бўлиб, унда Абу Собир ётарди. Йигит ундан сўради:

— Эй хожа, кўнглимда сенга қовурилган калла гўштини инъом қилиш орзуйим бор эди. Ушбу таклифимни қабул қилсанг яхши бўларди, — деди ва орқасига қайтиб, бозорга борди. Бозордан қовурилган битта қўзининг калласини бир дирамга сотиб олиб, бир оз нон билан Абу Собирга олиб келди. Ўша куни йигит Абу Собирнинг олтинларини ҳисоблаб кўрган эди. Ўн саккиз минг динор қизил олтин нақдинаси ва яна шунча маблағ одамлар қўлида насияси ҳам бор эди. Калла гўштини унинг олдига қўйиб, ўзи чиқиб кетди. Бир ҳафта ўтгач Абу Собир касалдан тузалиб чиқди ва йигитни кўриб, ўша қилган инъоми учун кўп таҳсинлар ўқиб, деди:

— Мен ўша калла гўшти туфайли тузалдим. Биринчи куни қалланинг кўзларини едим. Иккинчи куни гўштларини, учинчи куни тилини, тўртинчи куни қулоқларини ва бешинчи куни миясини едим. Бош мия косасини туздон қилдим. Калла суякларидан ёғлоғи ясадим. У ўлчов вазифасини ҳам бажаради.

Йигит Абу Собирга офарин, деди. Аммо ичида ундан нафратланиб, деди: «Бу бадбахт шунча олтинлари бўлатуриб, бир калла гўштини беш кун тамадди қилиб яна суякларидан асбоблар ясабди-я...»

Бир неча муддатдан сўнг Абу Собир вафот қилди. Унинг молидан йигитга минг динор фойда тегди. У Бағдодга кетди. Бағдодда яна ўз ишини бошлаб юборди. Шу воқеадан икки-уч йил ўтгач, иттифоқо, Басрага йўли тушди. Ўша куни Абу Собирнинг ўғли зиёфат бераётган экан. Зиёфатга борди. Дастурхон турли-туман таомлар ва мевалар билан ҳаддан зиёд безатилган эди. Анвойи таомлардан бири барра калла гўштининг ўзидан мингдан ортиқ қўйилган эди. Бу ҳолни кўриб, эсига Абу Собир тушди.

(Давоми бор).

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма



Ёйлар бўйича ўнгга: 3. Таниқли ўзбек футболчиси. 13. Самарқанд вилоятидаги шаҳар. 14. Баъзи умуртқасиз жониворларнинг турли шаклдаги косаси. 23. Қадимда қўлланилган 1,06 километрга тенг масофа ўлчови.

Ёйлар бўйича чапга: 3. «Авлодлар довони» романи муаллифи. 13. Тасвир туширилган плёнка. 14. Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири. 23. Кимсанинг ерида маълум шарт билан ёлланиб ишлаган деҳқон.

Энига: 4. Санъат тури. 5. «Широқ», «Ўтрор» каби тарихий қиссалар муаллифи. 8. Каштадўзлик чоки тури. 9. Иш ҳақи. 10. Гул. 17. Ёнувчи газ. 19. Бирор нарсадан маълум ҳақ эвазига фойдаланиш. 20. Россия ҳудудидаги тоғ. 21. Либоснинг сиртқи қавати. 22. Газламага жило бериш ашёси.

Бўйига: 1. Поғонали қурилма. 2. Асарнинг маълум бўлими. 6. Сехр. 7. Ит зоти. 11. Билим соҳибаси. 12. Ижодкор аёл. 15. «Ҳикмат»ли рақам. 16. Ҳарир тола. 18. Ўзбек халқ мақоми. 20. Фойдасиз, йўқотиш, нест-нобуд.

Муаммонома

Жавоб сўзлари асосида қуйидаги рақамлар жуфтида (биринчи сўз, иккинчи ҳарф тартибини англатади) яширинган муаммономани ҳал этинг.

12—4; 16—1; 20—4; 16—1; 9—1. 18—4; 14—4. 3—1; 20—1; 6—3; 22—4; 14—4; 15—3. — 16—1; 4—1; 4—1; 10—2; 18—4; 16—1, 17—1; 13—3; 16—1; 1—1; 14—4; 4—1.

Улардан аён бўладиган ҳикмат инглиз файласуфи Френсис Бэкон меросига мансуб.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ

Газетанинг шу йил 8 ноябрь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:

Ёйлар бўйича: 1. Миробод. 2. Чинор. 3. Калит. 4. Садоқат. 5. Капалак. 6. Лочин. 7. Қомус. 8. Пармуда. 9. Матонат. 10. Омбур. 11. Шакар. 12. Водород. 13. Роналдо. 14. Қомат. 15. Соҳил. 16. Нафосат. 17. Камолот. 18. Нотиқ. 19. Ботир. 20. Ҳабибий. 21. Латофат. 22. Кийик. 23. Катод. 24. Раҳимов. 25. Қамария. 26. Симоб. 27. Баҳор. 28. Олимхон. 29. Олмахон. 30. Омбор. 31. «Роҳат». 32. Антенна. 33. Антонов. 34. Декан. 35. Автол. 36. Кашалот. 37. Пайванд. 38. Палос. 39. Мотор. 40. Ширинак.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. Қаср. 2. Бўз. 3. Йил.

Ҳикмат: Сўз — бир, сайқал — қирқ.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 4531 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1009. Босмага топшириш вақти 13.00 Топширилди 12.25 1 2 3 4 5 6